

Маърифат маркази - илм маскани



Лобар Назарова

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти КАФБ факультети 4 курс талабаси

Ривожланиб бораётган мамлакатимизда бугунги кунда барча соҳада улкан узгаришлар бўлаётган бир даврда айнан кутубхоначилик соҳасида ҳам ижобий ишлар олиб борилмоқда.

Қувонч билан шуни айтиш керакки, ўтган 2011 йил Ўзбекистон кутубхоначилик ишида муҳим воқеалар билан муҳрланди. Президентимиз И.А. Каримов томонидан 2011 йил 13 апрелда имзоланган “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакатимиз аҳолисини замонавий ахборот кутубхона хизматидан фойдаланиш, жаҳон талабига жавоб бера оладиган шароитларни яратиш, фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш эҳтиёжларини қаноатлантириш, миллий маданиятни тиклаш, янада ривожлантириш каби вазифалар ҳуқуқий мезонлар билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига, юртбошимизнинг айнан кутубхоначилик соҳасига эътиборларининг яна бир намунаси 2011 йил пойтахтимизда “Маърифат маркази ва



симпозиумлар саройи” деб номланувчи, замон талабларига жавоб бера оладиган муҳташам иморатнинг қад кўтариши, биз бўлажак соҳа ходимларига, китоб аҳлига ва изланувчан ёшларга катта имконияталр эшигини очиб бериши бўлди. Бу бинодан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ҳам ўрин олганлиги кутубхоначилигимиз тарихида улкан воқеадир. Ўрта Осиёдаги қўшни давлатларда кутубхона учун бундай муҳташам бино ҳали қурилмаган.

Тошкент давлат маданият институти “Кутубхона - ахборот фаолиятини бошқарув” факультетининг профессор-ўқитувчилари ва бир гуруҳ талабалари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида танишув экскурсиясида бўлдилар.

Бино ичкарасига кирар эканмиз, ҳайрат ва ҳаяжонимизни яшира олмадик. 7 қаватдан иборат ушбу бинода 770 ўринли 13 та ўқув зали фойдаланувчилар хизматида.

Экскурсия пайтида ҳар бир қаватдаги бўлимларнинг иш фаолияти билан танишдик.

Биринчи қаватда рўйхатдан ўтилади ва электрон китобхонлик билети (ID картаси) берилади, бу қаватда китоб дўкони ва болалар хонаси жойлашган. Болалар хонаси турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган расмий китоблар ва турли хил юмшоқ ўйинчоқлар билан жиҳозланган.

“Китоб музейи” да XV-XIX асрларга оид нодир китобларнинг асл нусхалари йиғилган. Электрон китоб ўқиш мосламаси ёрдамида Алишер Навоийнинг ғазалларини электрон кўринишда ўқишингиз мумкин. Имконияти чекланган фойдаланувчилар учун махсус зал ажратилган. Барча қулайликларга эга бу залда китобхонлар компьютер орқали эшитишлари ва ёзишлари учун махсус ускуналар мавжуд. Биринчи қаватда яна китоб ташиш мосламаси “телелифт” ўрнатилган. Германиядан келтирилган бу қурилма 2-3 дақиқада китобхонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Иккинчи қаватда “Миллий библиография ва

давлат ҳисоб-рўйхатга олиш” бўлими, “маълумот ахборот зали”дан Ўзбекистон ҳаётининг барча масалалари бўйича ҳар қандай китобхон ўзини қизиқтирган ёзма ва оғзаки саволларига жавоб олиши мумкин. Бу қаватда яна кутубхонанинг кўп миллион сонли фондини акс эттирувчи аънавий каталоглар тизими жойлашган.

Учинчи қаватда илмий ўқув ва диссертациялар заллари бўлиб, тадқиқотчиларга қулайлик яратиш мақсадида диссертация ва уларнинг авторефератларидан эркин фойдаланиш учун диссертациялар муаллифлари билан шартномалар асосида диссертацияларнинг электрон нусхалари кутубхонанинг веб сайтыга жойлаштирилган.

Нота ва мусиқа нашрлар залида мусиқа билан шуғулланиш ва санъат соҳасига керакли бўлган маълумотларни олиш имконияти мавжуд. Ушбу зал фондида тасма ва грампластинкалар, мусиқали компакт дисклар бор. “Интернет ва медиа маркази” ҳам шу қаватда жойлашган бўлиб, китобхонларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилган.

Туртинчи қаватдаги илмий техника адабиётлар залида турли соҳалар ва йўналишлар бўйича стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар сақланади. Бўлим фондида стандартларнинг микроплёнчалари ҳам йиғилган ва уларнинг сақланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Бешинчи қават “маъмурий қават” ҳисобланади. Яна бу қаватдаги “Сканерлар ва ускуналар” хонасига кирар эканмиз, Германиядан келтирилган китобларни сканер қиладиган баланд қад ускуна

бизни ҳайратга солди ва унинг иш жараёнини кўриб бизда маърифатга интилиш ҳисси янада кучайди. Барча формат тезлигида сканерлайдиган бу қурилма жаҳонда 8 та бўлиб, 2 таси айнан Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонадан жой олган.

Кутубхона миллий ва хорижий нашрларнинг энг тўлиқ тўпламини тақдим этади. Вақтли матбуот нашрлари доимий тўлдириб борилади. Электрон каталог мукамал шаклланган. Барча ўқув заллари энг сўнги русум компьютерлар, нусха кўпайтириш ва сканирлаш қурилмалари билан жиҳозланган. Кутубхонанинг электрон ресурслар фонди ҳам барча фойдаланувчилар хизматида.

Хуллас, кутубхона фаолиятининг асосий жараёнлари бу ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш, қидириш ва фойдаланувчиларга етказиб беришдир. Бу ишда замонавий электрон технологияларни қўллаш келгусида самарали натижалар беради. “Китоблар коллекцияси-бу ҳам университет” деган эди Т. Карлейль. Фан, таълим, маданият ривожланаётган даврда, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш, дунёқарашини ривожлантириш ва китобга бўлган меҳрини кучайтириш, давлатимиз учун зарур кадрларни, маънавияти юксак ёшларни тарбиялашда китоб ва кутубхона асосий роль ўйнайди. Президентимиз И.А.Каримов “Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти, маърифат ва маънавияти билан кучлидир” деган фикрларини айнан шундай маданиятли, маърифатли ва маънавияти юксак шахслар – баркамол авлодни тарбиялашга қарата айтганлар. Бу масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралиб, айнан ушбу муҳташам бинонинг бунёд этилиши ёшлардан бу ғамхўрликка муносиб жавоб беришни, Президентимиз орзу қилган шахслар бўлиб етишиб, давлатимизни ривожлантиришга, жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторига чиқишида хизмат қилишимиз талаб қилинади. Миллий кутубхона ўзининг бутун имкониятлари билан халқимиз, илмга чанқоқ ёшлар хизматида.

Замонавий ахборот технологияларига асосланиб аҳолига, шунингдек, ёшларга замон талабига мос муҳташам, ёруғ, кенг, чиройли, барча қулайликларга эга ва замонавий жиҳозлар билан хизмат кўрсатиш учун тегишли имкониятлар яратилган ушбу Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китобхонларга тўлиб кетади ва доимо ривожланиш йўлида олға одимлайди.

Донишмандларимиз айтганларидек, “Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал”. Сизларни ушбу муҳташам бино қулайликлари ва имкониятларидан фойдаланишингизни истаб қолардик.

